

**SCIENCE
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzARB
muammolari**

Jild 3, Son 12/2

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 12/2 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойкулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаси хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Диљдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Тайланова Шохида Зайниневна - педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович -сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич -сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Axmedov Oybek Saparbaevich</i>	
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА АНТОНИМИЯ ҲОДИСАСИНИНГ ЎРНИ.....	10-18
<i>Nematova Maftuna</i>	
ЛАКУНА И ТИПОЛОГИЯ ЛАКУН	19-24
<i>Hamroyeva Shahlo Mirdjonovna, Matyakubova Noila Shakirjonovna</i>	
MOSLASHTIRISH JARAYONIDA O'ZBEK VA INGLIZ TILIDAGI SODDA GAPLARNING SINTAKТИК TAHLILI.....	25-32
<i>Jo'rayeva Nilufar Sobirjon qizi</i>	
"SMILE" VA "TABASSUM" TUSHUNCHALARINING LINGVISTIK IFODASI (INGLIZ VA O'ZBEK TILLARI MISOLIDA)	33-38
<i>Sidiknazarova Zulfiya Mirsharapovna</i>	
BADIY TARJIMA TAHLILINING NAZARIY ASOSLARI	39-43
<i>Jumanova Shahnoza Ikromjonovna</i>	
IJTIMOIY – PSIXOLOGIK MOTIVNI ANGLATISHDA PEYZAJNING O'RNI	44-50
<i>Achilov Oybek Rustamovich</i>	
ILGAR SURISH VOSITALARINING BADIY ASAR SARLAVHASIDA TASNIFLANISHI VA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	51-57
<i>Axmedova Madinabonu Maxmudjonovna</i>	
XALQ NASRI JANRLARINING O'ZARO MUNOSABATLARI	58-62
<i>Isroilova Manzura Jamolovna</i>	
FRANSUZ KOMPARATIV FRAZEOLOGIZMLARINING USLUBIY XUSUSIYATLARI	63-68
<i>Кенжабоев Шокир Абдулхалимович</i>	
ОСОБОЕ МЕСТО В ИЗУЧЕНИИ И РАЗВИТИИ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В ШКОЛАХ УЗБЕКИСТАНА	69-74
<i>Fayziyev Bahodir Baxshullayevich</i>	
J. K. ROULINGNING "GARRI POTTER VA AFSONAVIY TOSH" ASARIDAGI TO'QIMA NOMLAR VA REALIYALAR HAMDA ULARNING RUS VA O'ZBEK TILLARIGA TARJIMASI	75-79
<i>Mamatqulova Shoxsanam Isroil qizi</i>	
OLAMNING O'ZBEK LISONIY TASVIRIDA "FIDOIYLIK" KATEGORIYASI	80-84
<i>Тухтаева Фарида Исматуллаевна</i>	
ИССЛЕДОВАНИЕ СТЕРЕОТИПОВ РОМАНАХ ПЕРЛ БАК	85-90
<i>Radjabova Dildora Raximovna</i>	
PIRIMQUL QODIROVNING "YULDUZLI TUNLAR" ASARI INGLIZCHA TARJIMASIDA BOBUR PSIXOLOGIYASI	91-96
<i>Mansurova Shohista Ismailovna</i>	
BADIY TARJIMANING MAQSADI, VAZIFALARI VA TARJIMA METODLARI	97-102
<i>Ermatov Ixtiyor</i>	
SIRDARYO VILOYATI TOPONIMLARI.....	103-108

<i>Axmedjanova Farida Djavairovna</i>	
GRAMMAR INSTRUCTION IN COMMUNICATIVE LANGUAGE TEACHING	109-114
<i>Saitov Suxrob Djumaydillayevich</i>	
ARTISTIC INTERPRETATION AND RESOLUTION OF HUMAN TRAGEDIES IN THE STORY	115-119
<i>Tўрабоева Ҳакима Усмонжон қизи</i>	
ФИРДАВСИЙ ДАҲОСИГА МЕХР	120-124
<i>Toshpo'latova Xusniya Mamayusub qizi, Normamatov Farrux Komiljon o'g'li</i>	
INGLIZ REKLAMA SHIIDLARI TARJIMASI JARAYONIDA	
SHAKL VA MA'NO MUVOFIQLIGI	125-129
<i>Abdumannonov Xojsiakbar Akmaljon ugli</i>	
ОСВЕЩЕНИЕ ФРАЗЕОЛОГИИ В СВЕТЕ НАУЧНОЙ ЛИТЕРАТУРЫ (краткий обзор на примере учебных пособий и словарей узбекского языка)	130-136
<i>Abdullaeva Raъno Xikmatovna</i>	
РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТА «ДРУГ/ДРУЖБА» В РУССКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ПОСЛОВИЧНОЙ ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЕ МИРА	137-144
<i>Hamidova Sayyora Nurmatovna</i>	
TILSHUNOSLIKNI MENTALINGVISTIK BOSQICHIDA KOGNITIV TADQIQOTLAR.....	145-151
<i>Rustamova Dilrabohon</i>	
ATAMALAR LUG'ATINING UMUMIY VA FARQLI TOMONLARI	152-157
<i>Khazratqulova Ozoda Abduganiyevna</i>	
EXPRESSION OF THE CONCEPT OF FORGIVENESS IN LEXICOGRAPHIC SOURCES AND ARTISTIC LITERATURE	158-162
<i>Farmonov Nurbek Pulatovich</i>	
WEB OF SCIENCE MA'LUMOTLAR TIZIMIDAN FOYDALANISH	163-169
<i>Xojiyeva Oynisa Shabonovna</i>	
ALISHER NAVOIY ASARLARIDA TURKIY XALQLAR MAQOLLARINING AKS ETISHI	170-176
<i>Norqobilov Sanjar Rahmat ugli</i>	
COMPARING COMPUTATIONAL LINGUISTICS APPROACHES ACROSS LANGUAGES	177-182
<i>Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich</i>	
ANGLIYA UYG'ONISH DAVRI ADABIYOTI	183-190
<i>Xo'jamqulov Anvar Jozilovich</i>	
OMON MUXTOR ROMANLARIDA POETIK USLUB QIRRALARI	191-196
12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Кутыбаева Елизавета Дүйсенбаевна, Аманиязова Света Байнязовна</i>	
ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ И ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ ОРГАНОВ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	197-203
<i>Mirzaabdullaeva Matluba Rustamovna</i>	
СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ВА СУВ ИСТЕМЛЧИСИ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	204-209
<i>Toshkanov Nurbek Bahriiddinovich</i>	
BILIMLAR IQTISODIYOTI VA INTELLEKTUAL MULK: TIJORATLASHTIRISHNING BA'ZI HUQUQIY JIHATLARI VA MUAMMOLARI	210-216

<i>Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li</i>	
ATOM ENERGIYASINI JOYLASHTIRISHNING XALQARO EKOLOGIK TALABLARI	217-223
13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
<i>Javliyeva Shaxnoza Baxodirovna</i>	
OLIY TA'LIM MUASSALARIDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK SHART- SHAROITLARI	224-228
<i>Sadullayeva Shahlo Azimbayevna, Parmankulov Farxodjon Nurali o'g'li</i>	
TYUTORLAR ISH JARAYONIGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARINI TATBIQ ETISH METODIKASI	229-233
<i>Pirimova Nargiza Adilovna</i>	
SPORT-TAYYORGARLIK MASHG'ULOTLARIDA BALANDLIKKA SAKROVCHI QIZLARNING O'QUV-MASHG'ULOT JARAYONLARINI TAKOMILLASHTIRISH	234-239
<i>Tangirqulov Elmurod Aliyarovich</i>	
BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA ATROF-MUHITNI ASRASH ORQALI EKOLOGIK TARBIYA BERISH MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI VA "YASHIL MAKON" MODULLARI	240-244
<i>Xayrov Rasim Zolimxon o'g'li</i>	
BO'LAJAK TASVIRIY SAN'AT O'QITUVCHILARINING KASBIY-METODIK TAYYORGARLIGINI TAKOMILLASHTIRISHDA TA'LIM TEXNOLOGIYALARINING QO'LLANILISHI	245-258
<i>Ahmadjonova Odina Anvarjon qizi</i>	
ZAMONAVIY TA'LIM MUHITIDA INGLIZ TILI DARSLARIDA STEAM TA'LIM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI: STEAM KOMPETENSIYALAR TUSHUNCHASI	259-265
<i>Valieva Xolida</i>	
AJDODLAR MEROSI - INSONIYAT BOYLDI	266-271
<i>Djumayeva Dildora Isroilovna</i>	
BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA EKOLOGIK MADANIYATNI SHAKLLANTRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	272-277
<i>Davlatova Nilufar Vosiljonovna</i>	
TA'LIM-ISSLAB CHIQARISH INTEGRATSİYASINI KUCHAYTIRISHDA ZAMONAVIY TA'LIMNING O'RNI VA MOLIYALASHTIRISH MEXANIZMLARI	278-285
<i>Mamaraimova Zebo Shafoatovna</i>	
YUQORI SINF O'QUVCHILARINI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHNING PEDAGOGIK TAMOYILLARI	286-290
<i>Turayev Yolqin Sherzod o'g'li</i>	
KATTA MAKTABGACHA TA'LIM YOSHDAGI BOLALARDA DALILY ASOSLASH KO'NIKMASINI SHAKLLANTIRISH YO'LLARI	291-295
<i>Abdurashulova Shoira Kushakovna</i>	
BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINING KASBIY KOMPETENTLILIGINI INTEGRATIV YONDASHUV ASOSIDA RIVOJLANTIRISH	296-305
<i>Sottarov Abduvali Umirkulovich</i>	
UMUMIY FIZIKA KURSINI O'QTISHDA NANOTEXNOLOGIYA FAN VA TEXNIKA SOHASI SIFATIDA	306-310

<i>Xushnazarova Ma'mura Nodirovna</i>	
VOLONTYORLIK FAOLIYATINIG IJTIMOIY-PEDAGOGIK MUAMMOLARI	311-315
<i>Xushvaqtov Umar Norqobilovich</i>	
AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANIB O'QUVCHILARDA IMPERATIV TAFAKKURNI RIVOJLANTIRISHDA KOMPETENSIYANING RO'LI	316-320
<i>Alimqulova Ra'noxon Gulmirzayevna</i>	
BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARIDA NUTQ MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHGA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR	321-326
<i>No'monxonova Muattarxon Nosirxon qizi</i>	
BO'LAJAK TILSHUNOSLARDA KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARKOMMUNIKATIV KOMPETENSIYALARINING AFZALLIKLARI VA KAMCHILIKLARI	327-331
<i>Xalikov Faroxidin</i>	
TA'LIM TIZIMIDA TESTOLOGIYADAN FOYDALANISHNING NAZARIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH SAMARADORLIGI	332-339
<i>Abduvaxidov Xusan Abdulkulovich</i>	
OLIY TA'LIM TALABALARIDA INNOVATSION YONDASHUV ORQALI KOMPETENTSIYALARINI SHAKLLANTIRISH	340-345
<i>Якубова Нафиса Одилжановна</i>	
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУССАСАЛАРИДА ЧИЗМАЧИЛИК ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИ ИЖОДИЙ-КРЕАТИВ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	346-354
<i>Karimov Qayum Mamashayevich</i>	
TALABALARNI KOMPYUTERLI MATEMATIKA TIZIMLARINING GRAFIK IMKONIYATIDAN FOYDALANISH BO'YICHA BILIMINI OSHIRISH	355-360
<i>Yusupova Shoxista Alimjanovna</i>	
TO'GARAK MASHG'ULOTLARI ORQALI TASVIRIY SAN'AT FANIGA ASOSLANGAN XOLDA O'QUVCHILAR IJODIY QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	361-371
<i>Касимов Ойбек Омилович</i>	
СПОРТДА АХЛОҚИЙ ҚОИДАЛАР ВА “FAIR PLAY” НОРМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ...	372-378
<i>Abduraxmonov Akbar Abduxamidovich</i>	
MILLIYLIK VA UMUMINSONIYLIK TAMOYILLARI UYG'UNLASHUVINING NAZARIY- METODOLOGIK JIHATLARI	379-386
<i>Фазлиддинов Шухрат Фахриддинович</i>	
ПРИМЕНЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ НА ЗАНЯТИЯХ ПРИ ИЗУЧЕНИИ КАТЕГОРИИ РОДА ГЛАГОЛА В ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВУЗАХ	387-394
<i>Jurayev Bobomurod Ramazonali o'g'li</i>	
TALABALARNING JISMONIY FAOLLIGINI OSHIRISH VA RIVOJLANTIRISH JARAYONINING SAMARADORLIK DARAJASI	395-400
<i>Eshbekova Gulabahor Zafarboyevna</i>	
MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING YOZISH KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI	401-406

<i>Khidirova Malakhat Qazakhovna</i>	
ORGANIZATION AND EVALUATION OF THE EDUCATIONAL PROCESS BASED ON EUTAGOGICAL APPROACHES	407-413
<i>Fayzullayeva Madina Abdumo'min qizi, Xolbo'tayeva Moxinur Temurboy qizi</i>	
MENEJMENT SOHASINI O'QITISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH	414-420
<i>Achilov Nuriddin Abdugafforovich</i>	
AL-HAKIM AT-TERMIZIY TA'LIMOTINING ILMIY TADQIQI	421-426
<i>Norinov Muxammadyunus Usibjonovich</i>	
JAMIYAT TARAQQIYOTIDA BO'LAJAK MUHANDISLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHNING AHAMIYATI	427-432
<i>Begimqulov Zarif Axmadovich</i>	
JISMONIY TARBIYA YO'RIQCHISINING IJTIMOIY-MADANIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA MALAKA OSHIRISH JARAYONINING AHAMIYATI	433-438
<i>Izbosarova Zuxro Anatoliy qizi</i>	
BO'LAJAK BOShLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH SAMARADORLIGI	439-443
<i>Jumayev Sirojiddin Zafarovich</i>	
MOLEKULYAR BIOLOGIYADAN OQSILLARNING AMINOKISLOTA TARKIBI VA AMINOKISLOTALARNING TASNIFI MAVZUSINI O'QITISHDA MASALA VA MASHQLARDAN FOYDALANISH	444-449
<i>Pulatova Muxabbat Egamberdiyevna</i>	
BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARIDA INNOVATSION KOMPETENSIYANI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	450-457
<i>Yuldashev Mengali Ziyaduloyevich</i>	
BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARIDA MUSTAQIL ISHLASH KOMPITENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH	458-463

13.00.00-Педагогика фанлари

Якубова Нафиса Одилжановна
Гулистан давлат университети таянч доктарант
Email: nafisaodiljonovna@gmail.com

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУССАСАЛАРИДА ЧИЗМАЧИЛИК ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИ
ИЖОДИЙ-КРЕАТИВ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Аннотация. Ўқитиш самарадорлигига эришиш учун ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш механизмлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Дидактик таъминотни яратиш механизмларига креатив ёндашувни ташкил этиш талабаларни танқидий, таҳлилий ёки ижодий фикрлаш ва аниқ маълумотларга асосланган билимларга эга бўлишларини амалга оширади. Жамият тараққиётида муҳим роль ўйновчи талаба ва бу бўлажак мутахассислар интеллектуал салоҳиятининг тараққиёт жараёни интеллектуаллик даражасига мослигини таъминлашни тақозо этади.

Калит сўзи: амалийликни, тезкорликни (оператив равишда фикрлай олишни), ноодатийликни, синчковликни, ташаббускорликни ўз вақтида намоён қила олади.

Yakubova Nafisa Odiljanovna
Base doctoral student of Gulistan State University
Email: nafisaodiljonovna@gmail.com

**IMPROVING THE METHODOLOGY OF TEACHING STUDENTS TO CREATIVE-CREATIVE
THINKING IN DRAWING LESSONS IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS**

Annotation. In order to achieve the effectiveness of teaching, the mechanisms of creating didactic support of teaching are also important. The organization of a creative approach to the mechanisms of creation of didactic supply enables students to acquire knowledge based on critical, analytical or creative thinking and concrete information. The student, who plays an important role in the development of the society, and it is necessary to ensure that the intellectual potential of the future professionals is compatible with the intellectual level of the development process.

Key words: can demonstrate practicality, quickness (ability to think operationally), unusualness, thoroughness, initiative in a timely manner.

Якубова Нафиса Одилжановна
Базовый докторант Гулистансского
государственного университета

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ ТВОРЧЕСКИ-
ТВОРЧЕСКОМУ МЫШЛЕНИЮ НА УРОКАХ РИСОВАНИЯ В ВУЗАХ**

Аннотация. Для достижения эффективности обучения также важны механизмы создания дидактического обеспечения обучения. Организация творческого подхода к механизмам создания дидактической подачи позволяет учащимся приобретать знания, основанные на критическом, аналитическом или творческом мышлении и конкретной информации. Студенту, играющему важную

роль в развитии общества, необходимо обеспечить совместимость интеллектуального потенциала будущего специалиста с интеллектуальным уровнем процесса развития.

Ключевые слова: может проявить практичность, быстроту (умение оперативно мыслить), неординарность, обстоятельность, инициативность, своевременность.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V3I12.2Y2023N54>

Кириш. Ҳозирги кунда таълим соҳасида катта ислоҳотлар олиб борилиши натижасида олий таълим муассасаларида ўқитиш тизими тубдан ўзгарди, уларнинг моддий – техник базалари мустаҳкамланиб бормоқда. Бунинг натижасида таълим тизимининг барча соҳаларида таълим самарадорлиги юқори натижаларга кўтариш, малакали кадрлар билан таъминлаш қунинг долзарб муаммоларидан бирига айланади.

Ўқитиш самарадорлигига эришиш учун ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш механизмлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Дидактик таъминотни яратиш механизмларига креатив ёндашувни ташкил этиш талабаларни танқидий, таҳлилий ёки ижодий фикрлаш ва аниқ маълумотларга асосланган билимларга эга бўлишларини амалга оширади. Жамият тараққиётида муҳим роль ўйновчи талаба ва бу бўлажак мутахассислар интеллектуал салоҳиятининг тараққиёт жараёни интеллектуаллик даражасига мослигини таъминлашни тақозо этади. Бундай мосликни таъминлаш ўзига хос ижодий муаммо бўлиб, унинг ёрдамида талабаларга ва бўлажак мутахассисларга янгича ёндашувлар асосида таълим – тарбия беришининг оптималь вариантларини топиш амалга оширилади. Бундай оптималь вариантларни топишга ҳозирда кўпгина ёндашувлар бор. Уларга ижодий ёндашув, комплекс (мажмуавий) ёндашув, тизими ёндашув, креатив ёндашув, инновацион ёндашув ва шу кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Улар ичida талабаларни ва бўлажак мутахассисларни давр интеллектуаллик даражасига мос қилиб шакллантиришда креатив ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунга сабаб креатив ёндашув жараёнида таълим оловчи анъанавий таълимдан (қолипдан) чиқади, ўз фикрини айтишдан тортинмайди, уялмайди, мустақил ва эркин фикрлашда бўлади, янги фикр (ғоя)лар оғушида бўлади. Энг асосийси, ушбу жараёнларда таълим оловчи яратувчилик ва ижодкорлик оғушида бўлади. Талабаларни ноодатий фикрлашга қаратилган муаммо қаралади, яъни унда ўқувчиларни креатив фикрлашга ўргатишнинг алгоритмик босқичларини илмий - методик жиҳатдан асослаш масаласи қаралади.

Бундай хусусиятларга эга бўлган таълим оловчиларда кўпгина ноодатий фикрлар, ечимлар кутилмаганда пайдо бўлади. Энг асосийси уларда фикрлаш жараёнларидан бир хилликка барҳам берилади ва одатий (анъанавий) ҳолатдан чиқиб кетиш ҳоллари осон кечади.

Ҳозирда талабаларни ижодий-креатив фикрлашга ўргатиш қобилиятларини шакллантириб бориш негизида уларни янада ривожлантириш ва манбаларни креатив ўрганишга тайёрлаш долзарб ва истиқболли муаммолар бўлиб ҳисобланади. Бунга сабаб улар негизида талабаларни “янги фикр- инновацион ғоя – инновацион таълим (технология)” тизими асосида тафаккур қилишга тайёрлаш имконияти туғилади. Бундай кўринишдаги тафаккур тизими билан қуроллантирилган талабаларда янгилик яратишга ва муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ижодий ёндашувни амалга

оширишга иштиёқ кучли бўлади ва улар ўзининг тафаккур қамрови негизида ўзидағи оригиналликни, амалийликни, тезкорликни (оператив равишида фикрлай олишни), ноодатийликни, синчковликни, ташаббускорликни ўз вақтида намоён қила олади. Бундай ақлий сифатлардан амалиётда фойдалана олишнинг таг-замирида эса индивиднинг креатив фикрлаши ётибди, шунингдек, бундай хусусиятларга эга бўлган инсонлар қаралаётган масала ёки муаммо бўйича фикрлаётганда энг аввало қаралаётган масала ва муаммо бўйича ҳар томонлама чуқур таҳлилий фикрлайдилар ва ечимлар тўғрисида ишчи фаразни ҳам шакллантира оладилар. Бундай ҳолатлар эса қаралаётган масала ва муаммонинг ечимини олдиндан кўра олади деган хулосавий фикрни билдиришга асос бўлади.

Демак, креативлик талабалардан бир масала ёки муаммо ечимини ҳал қилишга турлича ёндашишни талаб қиласар экан, энг асосийси ўқувчи масала ёки муаммонинг моҳиятини англаб етади.

Креативлик тушунчасининг луғавий маъноси инглиз тилида “create” – яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор маъноларини англатади. Жамият ҳаётининг қайси соҳасида қўлланилишига қараб турли соҳа вакиллари томонидан турлича таърифлар берилганлигини қўришимиз мумкин. Масалан, педагогик нуқтаи назардан ёндашганда, креативлик педагогнинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибиға кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди.

Психологик нуқтаи назардан ёндашганда, креативлик инсон шахсининг ижодкорликка бўлган қобилияти, ижодкорлик истеъдод даражаси, индивиднинг анъянавийлик ёки одат тусига кирган фикрлаш схемасидан узоқбўлган, принципиал янги ғояларни яратишга тайёрликни характерловчи, шунингдек, муаммоларни ўзгача тарзда бартараф этиш, иқтидорнинг мустақил фактори сифатида қабул қилинган ижодий қобилиятларидир.

Умуман олганда, бугунги кунда ижодкорлик, яратувчанлик, янгилик яратишга қаратилган фаолият креатив фаолият деб тушунилади. Креатив шахс эса, ўзининг фикрлаши, дунёқарashi, доимо янгиликларга интилиши, ўзустida тинимсиз ишлаши, муаммога бошқа шахсларга қараганда ноодатий тарзда ечим топа олиши ва оригинал қарашларни билдира олиши, қизиқарли сұхбатдош бўлиш ва бошқа хусусиятларни ўзида акс эттироғи лозим.

Адабиётлар таҳлили ва методлари. Креатив қобилиятларни фақат янги ғояларни яратишгина учун эмас, балки ҳаёт тарзининг, ёки алоҳида олинган аспектларни яхшилаш учун қўллаш ва шахснинг ички дунёси ривожланишида муҳим ўрин тутади.

А.Маслоу ҳам креативликни – барчага хос туғма ижодий йўналиш, атроф мұхитнинг таъсирида кўпчиликда йўқолиб кетувчи фаолият деб ҳисоблаган.

Америкалик психолог олим Джо Пол Гилфорд ўзининг илмий тадқиқот ишларида креативлик ва интеллектни биринчи маротаба таққослади. У интеллект структураси моделини яратишда тафаккурни конвергент ва дивергент турига ажратди.

Конвергент тафаккур - (лотинча convergente- “бир йўлдан”) тафаккур формаси бўлиб, муаммонинг бир қанча ечимларидан фақат ягона тўғрисини танлашдир. Конвергент тафаккур асосида интеллект ётади, шунинг учун интеллектуал тафаккур

деб ҳам аталади.[5]

Дивергент тафаккур – (лотинча *divergere* – “бўлиниш”) ижодий тафаккур методларидан бири бўлиб, берилган бир муаммонинг бир қанча ечимларини топиш, шунинг билан бир қаторда, дивергент тафаккур “бир вақтнинг ўзида турли йўналишларга изланиш, яъни бир муаммога бир нечта тўғри жавоблар борлигини ва оригинал ижодий ғояларнинг туғилишига хизмат қиласи

Дивергент тафаккурнинг негизини эса креативлик ташкил этади. Креативлик тафаккурнинг қай даражада шаклланганига ҳам боғлиқ бўлиб, шахс тафаккури қанчалик яхши ривожланган бўлса, креатив фикрлаши ҳам шунчалик ривожланган бўлади.

Бироқ талабаларда креативлик фақатгина тафаккурнинг юқори даражада ривожланганлиги билан ҳосил бўлиб қолавермайди, яъни интеллектуал салоҳияти юқори талаба ҳар доим ҳам креатив фикрлай олмаслиги мумкин. Буни Джо Гилфорд тадқиқотларида ҳам кўришимиз мумкин. Гилфорд ўз креативлик структурасида дивергент тафаккурдан ташқари ўзгарувчанлик қобилияти, ечимнинг аниқлиги ва бошқа интеллектуал параметрларни бирлаштириди. Шунингдек, у креативлик ва интеллект ўртасида ўзаро узвий алоқа борлигини исботлади. Бироқ, Гилфорд ўз тажрибаларида юқори интеллектуал шахсларнинг тест ечиш давомида ижодкорлик хулқини ҳар доим ҳам кўрсатмаслигини, креатив паст интеллектуалли бўлмаслигини аниқлади. Шундай экан, дивергент тафаккур креатив жараённинг барча хусусиятлариниакс эттирмайди.

Э.П.Торренс фикрича, “креативлик” тушунчаси негизида қуйидагилар ёритилади:
- муаммони ёки илмий фаразларни илгари суриш; - фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш; - муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг - ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсиранлик. Креативфикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкин.[6]

Умуман олганда, талабалар учун креативлик – бу янги, оригинал ғояларни яратиш, фикрлашнинг ностандарт шакли, берилган муаммоларга омадли ечимлар топишдир. Креатив тафаккур эса революцион тафаккур бўлиб, у конструктив характерни ифодалайди.

Шу ўринда айтиш жоизки соҳага оид тадқиқотчи олимларнинг ижодий-креатив фикрлашга ўргатиш борасида уларнинг ишларида маълум бир бобларда ёритилганини кўришимиз мумкин, жумладан, муҳандислик графикаси фанларини ўқитиш усуllibарини ривожлантиришга А.И.Андреев [6], Л.Н.Анисимова [7], О.В.Артюшков [8], Т.Н.Базенков [19], А.Ю.Горячкина [30], Л.Б.Григоревский [33], А.Н.Губанов [31], Ж.Ж.Джанабаев [40], Н.Г.Димицкая [41], И.Б.Кордонская [60], Н.М.Костенко [561], К.Х.Мадумаров [76], Л.А.Найниш [87], В.А.Николаев [88], Л.В.Павлова [91], Э.И.Рузиев [99], Т.И.Татаринсова [108], В.И.Тельной [114], С.А.Фрейберг [119], А.К.Хамрақулов [121] ва бошқа кўплаб услубиятчи олимлар, тадқиқотчилар, амалиётчи педагоглар ҳисса қўшганлар.

Ғарб олимлари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Улар креативлик негизида ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил-мутойиба туйғуси ва эркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар (Мёрдок, Ганим, 1993 й.; Штернберг, 1985 й.).

Шарқликлар эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, деб тушунадилар (Хуи, Стернберг, 2002 й.; Рудович, Хуи, 1997й.; Рудович, Йуе, 2000 й.). Гарчи ғарблар ва шарқликларнинг креативлик борасидаги қарашлари турлича бўлсада, бироқ, ҳар икки маданият вакиллари ҳам мазкур сифат ва унга эгаликни юқори баҳолайдилар (Кауфман, Лан, 2012 й.).

Талабанинг креативлигиунинг тафаккурида, мулоқотидаъ ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади.

Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради, “талабалар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди”.

Хорижий мамлакатларда барча соҳаларнинг мутахассислари каби ўқитувчилар ҳам ўзларида креативлик сифатлари мавжудлиги ва унинг даражасини аниқлаб боради. Бунинг учун улар Э.П.Торренс томонидан 1987 йилда асосланган ва шахснинг креатив тафаккурга эгалигини аниқловчи тестдан ўтади. Мазкур тест шахс креативлиги ва унинг даражасини ижодий фаолиятни ташкил этишдаги фаоллик, тезкор фикрлаш, ўзига хос (оригинал)лик ва такомиллашганлик каби мезонлар бўйича баҳолаш имкониятини яратади. Талаба томонидан тавсия этилган саволларга бериладиган жавоблар айнан мана шу тўртта мезонни қанотлантириши лозим. Бу таълимни ташкил этишда ахборот технологияларидан ўқув жараёнида кенг фойдаланилганлиги сабабли у ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Т.В.Липовская ва М.И.Килневая олимларнинг тадқиқ этишича: «Ахборот технологияларидан бевосита ўқув жараёнида кенг фойдаланиш талабаларни ўқитишнинг тубдан янги босқичига ўтишга, таълим сифати ва тезлигини оширишга имкон беради» [75].

Электрон дарслардан фойдаланиш жараёнида талаба ўзини эркин ҳис қиласди, экрандаги мавзулар ва рангли расмларни кўради, қайта кўриб чиқади, вазифаларни босқичма-босқич ечади, ҳар бир босқичдан кейин қайтиш имконига эга бўлади. Бу эса талабада ушбу вазифани бажариши учун керакли материални тушунишини осонлаштиради ва ўзига бўлган ишонч пайдо бўлади [121].

Муҳандислик графикасида, чизма геометрия ва чизмачиликка фанларига асосланган янги компьютер графикаси бўлими пайдо бўлди 60-йиллари ўрталарида [115]. Талабаларга компьютер графикасини ўқитиш муаммолари ва усуллари бўйича М.Х.Байбаева [16], Л.П.Бобрик [21], В.Н.Гузненков [35], С.В.Жилич [51], Е.Ю.Жохова [52], В.В.Князков [63], В.Р.Корнеев [64], А.М.Лейбов [74], А.Б.Пузанкова [92], М.Б.Таланова [115], Т.В.Чернякова [125], А.Н. Губанов [31], Z. Zuo [140], каби олимлар шуғулланишган.

Муҳандислик графикаси таълимда компьютер графикаси таълими пайдо бўлиши ўқув дастурлари бўйича чизма геометрия ва бошқа бўлимларни тўлиқ ёки қисман йўқ қилиш масаласини ўрганиб чиқилмоқда. Чунки технологияларни шиддат билан ривожланиши график таълимни янгича ёндашувлар асосида ташкил этишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

График таълимда муҳандислик графикаси таълимни сифат ва самарадорлигини ошириш, ижодий қобилияtlарини шакллантириш, факултатив дарсларни ташкил этиш, фазовий тасаввурни ривожланишига муайян даражада тадқиқот ишлари билан

салмоқли ҳисса қўшган олимлар ҳамда қўшиб келаётган услубчилар. Ю.Қирғизбоев, Р.Хорунов, И.Рахманов, Т.Азимов, Р.Исматиллайев, Ш.Муродов, Д.Кучкарова, Э.Рўзийев, Т.Рихсибоев, А.Б.Таджбайев, Н.Хурбоев, У.Рихсибоев, А.Ҳамракулов, С.Сайдалиев, Д.Саидаҳмедова, Н.Ёдгоров, Д.Ачилова, Ш.Дилшодбеков, А.Қаҳҳоров, Ш.Муслимов, С.Мардов, Б.Қўкиев, К.Маликов, Н.Ёдгоров, Қ.Бекқулов, Ф.Мамурова, Б.Хақбердиев, Н.Ғуломова, Ж.Қосимов ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган. Илмий ва методик манбаларни ўрганиш борасида олиб борилган изланишларнинг ва таҳлиллари шуни қўрсатдики, муҳандислик графикаси фанини турли йўналишларда ўқитиш муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада, Олий таълим муассасаларида чизмачилик дарсларида талабаларни ижодий-креатив фикрлашга ўргатиш методикасини такомиллаштиришнинг педагогик ва психолого-педагогик муаммоларига етарлича эътибор қаратилмаган, талабаларни ижодий-креатив фикрлашга ўргатиш методикаси муҳандислик графикаси ўқув фанини қиёсий таҳлил методи асосида ўқитишни такомиллаштириш етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур муаммони маҳсус тадқиқ этиш эҳтиёжи мавжудлигини англатади.

Натижалар. Креатив фикрлашда талабаларни график таълим-тарбия жараёни муҳим аҳамият касб этади. Чизмачилик фанида креатив фикрлаш бугунги кунда талабалар эгаллаши керак бўлган муҳим кўникмадир.

Мазкур кўникма, талабаларга бугунги шиддат билан ўзгараётган, замонавий ахборот коммуникацияларидан фаол фойдалана оладиган, оддий саводхонликдан кўра кўпроқ натижা яъни ташаббускорлик талаб қилинаётган, бир сўз билан айтганда XXI аср кўникмаларига эга малакали кадрларга талаб кучаяётган бир пайтда ушбу жараёнга мослашишига ва рақобатбардош кадр бўлиб этишишида муҳим аҳамият касб этади.

Талабаларни муҳандислик графикаси фанларидан креатив фикрлаш ўргатиш жамият ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган, талабанинг тафаккури билан бевосита боғлиқ бўлган жараён ҳисобланиб, шахсда, айниқса, талабаларда ушбу кўникмани шакллантириш келгусида мамлакат тараққиётининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Талабаларни креатив фикрлашини шакллантириш варивожлантиришда қўйидаги жиҳатларга аҳамият қаратиш лозим.

Биринчидан, талабани тарбиясида бошиданоқ унинг фикри муҳим аҳамият касб этишини ва жамоада ўз ўрнига эга эканлигини ҳис қилдириб бориш;

Иккинчидан, бугунги кунда олий таълимда шаклланган дорматик қарашлардан воз кечиш;

Учинчидан, педагог бошқарув жараёнида автократик усуллардан кўра демократикусулларни кўпроқ қўллаш;

Тўртинчидан, креатив фикрлайдиган талабаларнинг ғояларини вақарашларини ҳурмат қилиш ҳамда уларни қўллаб қувватлаш лозим. Зоро, жамиятда локомотив сифатида ҳар доим лидерлар ўз фаолиятини амалга оширади. Бугунги кунда лидерларнинг аксарияти креатив фикрловчи кишилардир.

Мұҳокама. Бу манбалардан кўриниб турибдики, муҳандислик графикаси фанларини ўқитишида талабаларни креатив фикрлашга ўргатиш, энг аввало масала ёки муаммо ечими түғрисидаги ғоялар ва уларни қўйилган мақсадга қараб генерализациялашга тўғри келар экан. Бу орқали талабалар ғоялар ичидан мақсадга мувофиғини танлашга эришадилар. Бу босқични амалга оширишда эса қўйидагилар

асосий эътиборда бўлади:

Нарсалар ҳақида таҳлилий фикрлаш – бу орқали талабаларда ғояни баҳолаш кўникмаси шакллантирилади;

коллаборативность – бу орқали талабаларда жамоавий фикрлаш кўникмаси шакллантирилади;

фазовий фикрлаш – бу орқали талабаларда ғояни визуаллаштириш кўникмаси шакллантирилади.

Юқорида келтирилган талабаларни ижодий-креатив фикрлашга ўргатиш ҳақидаги маълумотлар ҳамда шу соҳада олиб борган изланишларимиз натижаларига асосланиб талабаларни креатив фикрлашга ўргатишнинг босқичлари асосида қуидаги кетма – кетликда ифодалашни мақсадга мувофиқ деб топдик:

Биринчи босқич – манба ва уни ўрганишга киришиш;

Иккинчи босқич – талабани манбани ва муаммони (мисол, масала, вазифа, график топшириқларни) мустақил ёндашишга ўргатиш;

Учинчи босқич – талабани муаммони (мисол, масала, вазифа, график топшириқларни) англаб етиш, фазовий тасаввур этишга тайёрлаш;

Тўртинчи босқич – талабани манбага оид ва муаммонинг (мисол, масала, вазифа, график топшириқларни) қўйилишига оид мантиқий, ижодий ҳамда таҳлилий фикрлашга ўргатиш;

Бешинчи босқич – талабани ижодий-креатив ёндашув қилишга тайёрлаш;

Олтинчи босқич – талабани мустақил фикрлашга ва мустақил мутолаага, нутқни шаклланишига тайёрлаш;

Еттинчи босқич – талабаларни муаммони (мисол, масала, вазифа, график топшириқларни) ижодий-креатив алгаритимлар асосида кетма-кет ҳал қилишдаги муайян бир натижага келиб қолганлигини англашиб;

Саккизинчи босқич – талабаларни муаммо (мисол, масала, вазифа, график топшириқларни) ижодий-креатив график ечимлари бўйича мустаҳкам қарорлар қабул қилишга ўргатиш;

Тўққизинчи босқич – талабаларни муаммо (мисол, масала, вазифа, график топшириқларни) креатив фикрлаш асосида график ечимлари ичидан оптималь ечимларни ҳамда кўп ечимили масалаларни жавобларини ишлаб чиқишга ўргатиш;

Ўнинчи босқич – талабалардаги муаммо (мисол, масала, вазифа, график топшириқларни) ечиш давомидаги ижодий қувонч ҳиссининг мавжудлигини аниқлаш ва мотивация бериш;

Ўн биринчи босқич – талабаларда муаммонинг (мисол, масала, вазифа, график топшириқларни) креатив фикрлаш асосида график ечимини қўлга киритиш негизидаги хулосасини шакллантиришга эришиш;

Ўн иккинчи босқич – талабаларни ўзининг креатив ёндашуви негизида эришилган натижалари бошқа муаммо (мисол, масала, вазифа, график топшириқларни) ечимини топиша ҳам фойдаланишга ҳам тавсия беришга тайёрлаш.

Мазкур тадқиқот ишида юқорида қайд этилган барча босқичлар илмий – методик жиҳатдан асосланиб чиқилди.

Хулоса. Демак, ушбу тадқиқот ишимиз бўйича хулоса қиладиган бўлсак, қайд этиш мумкинки, муҳандислик графикаси фанларидан талабаларни креатив фикрлашга

ўргатишнинг алгоритмик босқичлари (улар 12 та) ўқувчиларни креатив фикрлашга ўргатиш жараёнини оптималлаштиришга кенг имконият яратади, яъни ўқувчиларни креатив фикрлашга ўргатиш муаммосини ҳал қилишни муайян бир қатъий мантиқий кетма – кетлик асосида олиб бориш талабини қўяди. Шунингдек, баён қилинган алгоритмик босқичлар ёрдамида талабаларни креатив фикрлашга ўргатишдаги ўқув жараёнини, билиш жараёнини ва ўқув – билув фаолияти ишини баҳолаш жараёнларини хоҳлаган пайтда босқичма – босқич ёки муайян бир босқич бўйича ёки мажмуавий ҳолда ҳам қараш имкониятини беради.

Талабаларни креатив фикрлашга ўргатишнинг алгоритмик босқичлари, яъни муаммони ҳал қилишга бўлган алгоритмик ёндашув универсал характерга эга. Шу сабабли ундан талабаларни ижодий-креатив ўргатишни такомиллаштириш муаммосини ҳал қилишда ва қаралаётган муаммога яқин муаммоларнинг ечимларини топишида ҳам фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Hennessey, B. and T. Amabile (2010), «Creativity», *Annual Review of Psychology*, Vol. 61, pp. 569-598 (3-чи иқтибос)
2. OECD (2010), *The OECD Innovation Strategy: Getting a Head Start on Tomorrow*, OECD. (1-чи иқтибос)
3. OECD (2017), *PISA 2021 Creative Thinking Strategic Advisory Group Report*, Organisation for Economic Co-Operation and Development, [https://one.oecd.org/document/EDU/PISA/GB\(2017\)19/en/pdf](https://one.oecd.org/document/EDU/PISA/GB(2017)19/en/pdf) (accessed on 26 March 2018).
4. Савельева М.Г. Педагогические кейсы: конструирование и использование в процессе обучения и оценки компетенций студентов / Учеб.- мет.пособие. – Ижевск: ФГБОУВПО “Удмуртский университет”, 2013. – С. 9. (2-чи иқтибос)
5. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
6. Lucas, B. and E. Spencer (2017), *Teaching Creative Thinking: Developing Learners Who Generate Ideas and Can Think Critically.*, Crown House Publishing, https://bookshop.canterbury.ac.uk/Teaching-CreativeThinking- Developing-learners-who-generate-ideas-and-can-thinkcritically_9781785832369 (accessed on 26 March 2018).
8. Икрамов Р.А., Хожиев Р.Б. (2020). Воспитание гармонично развитого поколения является приоритетом государственной молодежной политики. Вестник науки и образования. № 14 (92). Часть 1. С. 88-90.
9. Хожиев, Р. Б., & Норбоева, Д. О. (2021). Ёшлар ижтимоий ҳаётининг когнитив асослари. Academic Research in Educational Sciences, 2(2), 544-555.
10. Таълимда танқидий фикрлаш керакми? Абдуқаҳхор ФАНИЕВ,Физика-математика фанлари номзоди, доцент, Низомий номидаги ТДПУ Шаҳрисабз филиали директори интернет мақола 26.11.2020 й.
11. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. –Т.: –Сано стандарт|| нашриёти, 2015. -81-б.

12. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). -Alexandria -Virginia, USA: ASCD, 2014.3.Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. –36-40-б.
13. Мусаев Ж.П. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш стратегиялари. –Т.: 2022, 248 б
14. Alikulovich, Berikbaev Alisher. "Subject Training Disciplines as a Means of Forming Professional Competence in Future Teachers of Fine Arts." Annals of the Romanian Society for Cell Biology (2021): 8965-8989.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Nº 12/2 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-

уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).